

Асрларни мунаvvар айлаган даҳо

Бугун 2018 – йил 9 – феврал куни Тошкент ирригатсия ва қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш мұхандислари институти “Иқтисодиёт ва менежмент” факулъети томонидан шеърият мулкининг сultonни, инсонпарварлик, ўзбек тилининг ривожига катта ҳисса қўшган буюк бобомиз Мир Алишер Навоий таваллудининг 577 – йиллигига бағишилаб “Асрларни мунаvvар айлаган даҳо” мавзусидаги маданий-маърифий, адабий-бадиий тадбир ўтказилди.

Дастлаб тадбир институт манавий-маърифий ишлар бўйича проректори Шовозов Қодиржон Очилович томонидан очиб берилгач буюк бобомиз Алишер Навоийни хотирлаб тайёрланган видеоролик томошибинларга намойиш этилди. Шундан сўнг буюк бобомизнинг турли (инглиз, рус, немис, форс-тожик ва шунингдек ўзбекча) тилларга таржима қилинган ғазалларидан бир нечтаси фаол иқтидорли талабалар томонидан айтилди.

Кейин иқтидорли талаба қизимиз “Иқтисодиёт ва менежмент” факулъети 103-гуруҳ талабаси Хабибуллайева Лобар томонидан “Тановар” куйига ажойиб бир рақс ижро этилди. Тадбирга янада кўтаринки кайфият олиб кириш мақсадида Алишер Навоий бобомиз ғазали асосида яратилган қўшиқ “Иқтисодиёт ва менежмент” факулъети 203-гуруҳ талабаси Дадарбоев Мухриддин томонидан куйланди ва унга ҳамоҳанг равишда клип саҳналаштирилди.

Сўнгра бобомиз ҳаётини ўзида акс эттирган саҳна кўриниши томошибинларга намойиш этилди. Шунинг билан тадбирни якунлаб бериш учун яна сўз институт манавий-маърифий ишлар бўйича проректори Шовозов Қодиржон Очиловичга берилди ва тадбирда ўз фаоллиги ва иқтидорини намойиш қила олган “Иқтисодиёт ва менежмент” факулъети 301-гуруҳ талабаси Абдурасулов Бобир, Вайдуллаев Достон, 203-гуруҳ талабаси Саидаҳмедов Жаҳонгир ва шу каби бир неча талабалар Фахрий ёрлиқ билан тақдирланишди ҳамда тадбирни ўтказишдаги ёрдами учун институт ўшлар иттифоқи бошланғич ташкилотига ва тадбир ташкилотчиларига ҳам ташаккур билдирилди.



“Иқтисодиёт ва менежмент” факулъети декани мувовини Жамшид Турдиев ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов